

Президент Бухоро давлат тиббиёт институтида бўлди



Президент Шавкат Мирзиёев 11 август куни Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтининг янги биносини бориб кўрди.

Илгари ушбу таълим маскани ўтган асрнинг 50-60-йилларида қурилган биноларда ва тарқоқ жойлашган эди. Ўзининг клиникаси ҳам йўқ эди. Инвестиция дастури доирасида шаҳар чеккасида институт учун янги мажмуа қурилиб, жорий йил май ойида фойдаланишга топширилди.

Мажмуа 900 ўринли ўқув биноси, 200 ўринли клиника, симуляция ўқув маркази, виварий, спорт зали, 1 минг 200 ўринли талабалар ётоқхоналари, ошхонани ўз ичига олган ҳамда жаҳон стандартларидагидек яхлит жойлашган. Фанлар академияси Иммунология ва инсон геномикаси институти филиали ҳам ташкил этилган.

Бугунги кунда институтда даволаш, педиатрия, стоматология, олий ҳамширалик иши, тиббий педагогика, тиббий профилактика, тиббий биология, халқ табобати, фармация каби 9 та йўналишда мутахассислар тайёрланмоқда. Уларга 568 нафар профессор-ўқитувчилар сабоқ беради.

- Бу Янги Ўзбекистонга муносиб олийгоҳ бўлди. Энди у илми билан халқимизга хизмат қилиши керак. Юртимизда Тиббиёт академияси, ихтисослашган илмий марказлар, худудларда институтлар бор. Бу илмий салоҳият қандай қилиб халққа етиб боради? Бунинг учун уларни худудларга бириктириш, соғлом тиббий-ижтимоий муҳит яратиш керак. Масъул маҳалласида касалликлар камайишига қараб, мутахассисларга устама бериш мумкин. Образли айтганда, профилактика нуқтаи назаридан 36 миллион аҳоли устида "соябон бўлиш" керак, - деди Шавкат Мирзиёев.

Маҳаллаларда фитобарлар ташкил қилиш, шифобахш гиёҳлар афзаллигини тарғиб этиш, Бухорода фармсаноат кластери тузиш муҳимлиги таъкидланди.

Шу ерда Бухоро шаҳрини ривожлантириш лойиҳаси кўриб чиқилди.

Бухоронинг тарихий қисмида туризм инфратузилмасини яхшилаш ва сайёҳлар учун шароитларни кенгайтириш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, Тўдакўл сув омборининг ғарбий худуди Бухоро вилоятига ўтказилиб, дам олиш туризми ташкил этиш режалаштирилган.

- Бухоро иқтисодиётини барқарор қиласиз десак, туризм имкониятларини 10 карра оширишимиз зарур. Фақат бугунни, бир йилни эмас, келажак 50 йилни ўйлашимиз керак. Агар вилоятга 10 миллион турист келса, одамлар хизматларни кўпайтиrsa, қанча даромад пайдо бўлади, - деди давлатимиз раҳбари.

Шу билан Бухоро вилоятига ташриф якунланди, Президент Шавкат Мирзиёев Тошкентга қайтиб келди.



Манба